



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil " 30 " aprel

Қ-324 -son

Termiz sh:

**Қумқўрғон тумани "Оққапчиғой" массиви "Кўганли" маҳалласи ҳудудидан "BAKR SHAMS TOMORQA XIZMATI" МЧЖга боғ кўчатлари ҳамда мева-сабзавот уруғларини етиштириш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 14 апрелдаги 02-05/298-сон йиғилиш баёни, Қумқўрғон тумани ҳокимининг 2021 йил 02 мартдаги 69/01-36-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Қумқўрғон тумани "Оққапчиғой" массиви "Кўганли" маҳалласи ҳудудидан "BAKR SHAMS TOMORQA XIZMATI" МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 717қ-дала контуридаги 2,0 гектар яйлов ер майдони боғ кўчатлари ҳамда мева-сабзавот уруғларини етиштириш учун (49 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузурадги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузурадги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов